

**САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИКИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ**
PhD.05/30.09.2022.Qx.152.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
**САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ШЕРАЛИЕВ ЖАМШИД ШУҲРАТ ЎҒЛИ

**БОШ САЛАТНИНГ (*LACTUCASATIVA* VAR. *CAPITATA* L.)
НАВ ВА F1 ДУРАГАЙЛАРИНИ ТАНЛАШ ҲАМДА ЕТИШТИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.06 – Сабзавотчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельско хозяйственным наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Шералиев Жамшид Шухрат ўғли

Бош салатнинг (*Lactuca sativa var. Capitata* L.) Нав ва F₁ дурагайларини танлаш ҳамда етиштириш технологиясининг элементларини такомиллаштириш..... 3

Шералиев Жамшид Шухрат ўғли

Побдор сортлар ва F₁ гибридлар кочанли салат (*Lactuca sativa var. Capitata* L.) ва софторларнинг элементлар технологиясининг софторларини..... 19

Sheraliev Jamshid Shuhrat ogli

Cultivation of varieties and F₁ hybrids of head lettuce (*Lactuca sativa var. capitata* L.) and improvement of elements of cultivation technology..... 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 41

**САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИКИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ**
PhD.05/30.09.2022.Qx.152.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
**САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ШЕРАЛИЕВ ЖАМШИД ШУҲРАТ ЎҒЛИ

**БОШ САЛАТНИНГ (*LACTUCASATIVA* VAR. *CAPITATA* L.)
НАВ ВА F1 ДУРАГАЙЛАРИНИ ТАНЛАШ ҲАМДА ЕТИШТИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.06 – Сабзавотчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий аттестация комиссиясида В2022.4.PhD/Qx1020 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илм тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилида (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.sabzavotilm.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Расулов Фахриддин Фахмуддинович,
қишлоқ хўжалиги фанлар бўйича фалсафа доктори,
катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Шокиров Алишер Журабоевич,
қишлоқ хўжалиги фанлар доктори, доцент

Бустанов Зокир Тожибоевич
қишлоқ хўжалиги фанлар номзоди, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институти

Диссертация ҳимояси Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.05/30.09.2022.Qx.152.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «__»_____, соат__ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111106, Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Кўксарой а/б СПЭваКИТИ. Тел: (+99871) 226-85-03; факс:(+99871) 226-85-03; e-mail: savzavot_info@umail.uz.)

Диссертация билан Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№2-2024-рақами билан рўйхатга олинган (Манзил: 111106, Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Кўксарой а/б СПЭваКИТИ. Тел:(+99871) 226-85-03;

Диссертация автореферати 2024 йил «__» _____куни тарқатилди.
(2024 йил «__» _____даги _____-рақамли реестр баённомаси).

Р.А.Низомов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, қ.х.ф.д., профессор

Б.А.Иброҳимов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, қ.х.ф.ф.д., катта илмий ходим

А.Ж.Шокиров

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, қ.х.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё сабзавотчиликнинг асосий вазифаси аҳолини барча мавсумларда сабзавотлар, шу жумладан, кўкат сабзавотлар билан доимий ва етарли даражада таъминлашдан иборат. Кўкат сабзавотлар орасида бош салат инсон рациони учун катта аҳамиятга эга. ФАО маълумотларига кўра, дунёда 2022 йилда 1,8 млн. гектар майдондан 42,1 млн. тонна бош салат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Бош салат Хитой (15,0 млн. т.), АҚШ (3,3 млн. т.), Ҳиндистон (1,2 млн. т.), Испания (0,9 млн. т.), Италия (0,64 млн. т) ҳамда Белгия (0,6 млн. т.) давлатларида кенг миқёсда етиштирилмоқда¹.

Дунёда сабзавот экинлари ассортиментини кенгайтиришда ноанъанавий сабзавотлар етиштириш соҳасида етакчилик қилаётган Хитой, Япония, Россия ва Европада бошли салатни йил давомида етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш технологиялари бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Италия, Нидерландия, Бельгия, Испанияда салат асосий сабзавотлар сирасига киради. Венгрия, Польша ва Куба аҳолисининг кунлик истеъмолида унинг салмоғи анча катта бўлиб, бу давлатларда у асосан ёпиқ ерларда етиштирилади. Ўрта ҳисобда аҳоли жон бошига 14,0 кг ни ташкил қилади. Ушбу давлатларда бош салат етиштириш, аҳолини етарли миқдорда маҳсулот билан таъминлаш борасида кўплаб ютуқларга эришилган бўлсада, янги нав ва дурагайларни, интенсив технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича тадқиқотлар давом этмоқда.

Ўзбекистонда агрокластер, фермер, деҳқон ва шахсий томорқа хўжаликларини даромадини ва қайта ишлаш корхоналарининг ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда сабзавотчилик соҳасидаги илм-фан ютуқлари, хусусан комплекс қимматли хўжалик белгилари юқори янги навлар ҳамда такомиллаштирилган агротехнологиялар тадбиқ қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғриси”²ги ПФ-60-сонли Фармонида “Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказишда, айниқса, 2026 йилга бориб озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини 7,4 млн тоннага, қайта ишлаш даражасини мева-сабзавот бўйича 28 фоизга етказиш”га алоҳида эътибор қаратилган. Шундан келиб чиқиб Ўзбекистонда ноанъанавий сабзавотларни хилма-хиллигини кўпайтириш, уларнинг морфо-биологик, қимматли хўжалик белгиларини ўрганиш, истиқболли нав намуналарни маҳаллийлаштириш, етиштириш технологиясини такомиллаштириш долзарб илмий йўналиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга

¹FAOSTAT Statistics Database.FAO, Rome, Italy. <http://www.fao.org>.

² <https://lex.uz/uz/pdfs/5841077>

доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»³ги ПФ-5388-сонли, 2019 йил 11 декабрдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада кўшилган қиймат занжирини яратишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»⁴ ги ПҚ-4549-сонли қарорлари, шунингдек, бу соҳада қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши ҳамда Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлар режаси доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бош салат экини Европа, Россия, АҚШ ва бошқа давлатлар ҳамда китъаларда ўрганилган. Хусусан, R.Sally, M.Magnusson, Jan Borkowski, С.Г.Монахос— бош салат навларини яратиш, Хитой, Жанубий Корея ва Японияда С.Г Кую, Yu Quang-Hiu, Xie Jian-Zhi ҳамда Россияда Т.В.Лизгунова, А.Н.Ничипрович, Е.Н.Сагалович, В.Ф.Пивоваров, П.Ф.Кононков, В.П.Никулшин, Г.И.Тараканов, А.Т.Лебедева, З.В.Сыч, А.В.Солдатенко, Н.А.Колпаков, Л.Л.Бондарева ва бошқалар томонидан бош салат нав намуналарини танлаш ва етиштириш технологияларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Ўзбекистонда З.Т.Бўстонов томонидан (1993-1996 йй) баргли салат нав намуналари тўпламини морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларини ўрганиш, истиқболли навларни ажратиш бўйича тадқиқотлар ўтказилган ва Кок-шоҳ нави (2002 йил) яратилиб Давлат реестрига киритилган. Ф.Т.Турдиева (2020-2022 йй) Андижон вилояти шароитида баргли салат нав намуналари тўпламини морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларини ўрганиш, истиқболли навларини ажратиш, баҳорги мавсумда мақбул экиш муддатлари ва экиш схемаларини ўсимликни ўсиш-ривожланишига ва маҳсулдорлигига таъсири бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган. Бироқ, ҳозирги кунда республикада сабзавот экин турларини кенгайтиришда бош салатнинг серҳосил нав ва дурагайларини танлаш, мақбул экиш муддатлари ва схемаларини аниқлаш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти илмий-тадқиқотлар ишлар режаси асосида ва ФЗ-2020072710 “Ноанъанавий ва экспортбоп сабзавот экинлари интродукцияси, селекцияси ва бирламчи уруғчилигини ташкил этиш” (2020-2023 йй) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: бош салатнинг эртаги муддатда очик

³ <https://lex.uz/uz/pdfs/3604601>

⁴ <https://lex.uz/uz/docs/4641164>

майдонларда етиштиришга мос эртапишар, юқори ҳосилли нав ва дурагайлари танлаш, етиштириш технологиясининг айрим элементларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

эртаги муддатда бош салатни серҳосил нав ва дурагайлари танлаш;
бош салат навларидан эрта ва юқори ҳосил олишда мақбул экиш муддатларини аниқлаш;

бош салатни етиштиришда мақбул экиш схемаларини аниқлаш;

бош салатни мақбул экиш муддати ва схемаларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлашдан иборат

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистонда давлат реестрига киритилган Крупнокочанный нави ҳамда Barcelona F₁, Madrid F₁, дурагайлари, хорижий давлатлардан интродукция қилинган 2 та дурагай ва 8 та нав намуналари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бош салатнинг нав намуналарини ўрганиш, истиқболлиларини ажратиш, экиш муддатлари (20/II, 01/III (назорат), 10/III, 20/III, 01/IV, 10/IV, 20/IV ва 01/V) ва экиш схемалари (70×20, 70×30 (назорат), 70×40 ва (50+20)/2×15 см) ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар «Методика полевого опыта в овощеводстве и бахчеводстве» (В.Ф.Белик,1992),«Методы биохимического исследования растений» (А.И Ермаков ва б., 1987),«Методика полевого опыта в овощеводстве» (С.С.Литвинов,2011), «Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси» (Б.Ж.Азимов., Б.Б.Азимов,2002) каби услублар асосида олиб борилди. Иқтисодий самарадорликни аниқлаш «Қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлаш ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карталар (2022-2026 йиллар учун) асосида бажарилган ва натижаларнинг статистик таҳлили Б.А. Доспеховнинг «Методика полевого опыта» (1985) дисперсион услуби асосида Microsoft Excel дастури ёрдамида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат

илк бор республикамизнинг марказий минтақларида бўз тупроқли майдонларда эртаги муддатда етиштириш учун бош салатнинг 13 та намуналари морфологик ва хўжалик қимматли белгилари комплекс баҳоланиб истиқболли навлар танланган;

энг эртапишар кўрсаткичка эга: Грейс лайкс 659 (85 кун) ва Айс квин (86 кун) навлари; юқори ҳосилли: Русский размер (25,0 т/га), Патриций (24,8 т/га) навлари ва Мадрид F₁ (32 т/га), Робинзон F₁ (31,5 т/га) дурагайлари ажратилган;

бош салатнинг ўртапишар Крупнокочанный ва Русский размер навларини энг мақбул экиш муддати (10-20-март) аниқланган ва Крупнокочанный, Русский размер навларини 10-20 мартда экилганда ҳосилдорлик назорат вариант (1-март) га нисбатан мувофиқ равишда 24,7-14,3% ва 22,0-12,5% юқори бўлиши аниқланган;

Крупнокочанный ва Русский размер навларини (50+20)/2x15 см схемада экилганда, ҳосилдорлик назорат (70x30 см) вариантга нисбатан 249,5-230,5% юқори бўлиши, рентабеллик даражаси эса 245,6-270,6% бўлиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Республиканинг марказий минтақаси типик бўз тупроқли майдонларда эртаги муддатда бош салат нав намуналари ўрганилиб, ушбу муддатда етиштиришга мос, ҳосилдор, салат бошининг сифат кўрсаткичлари юқори Русский размер нави ва Madrid F₁ дурагайи ажратилган, ишлаб чиқаришга тавсия этилган.

Бош салатни очик майдонларга экишда 10 - мартдан 20 - мартгача энг мақбул экиш муддати ишлаб чиқилган ва маҳсулот етиштириш учун тавсия этилган.

Бош салатдан юқори ва сифатли ҳосил олиш имконини берувчи энг мақбул экиш схемаси $(50+20)/2 \times 15$ см эканлиги аниқланган ва ушбу экиш схемасида рентабеллик даражаси 245,6-270,6% бўлиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Дала тажрибалари Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ва Сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институтида ташкил этилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги ва олинган натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, Давлат буюртмалари бўйича амалий илмий лойҳаларнинг таркибий қисми эканлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва республика миқёсидаги илмий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, шунингдек, илмий нашрларда чоп этилиб, ишлаб чиқаришга тавсиялар берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Тошкент вилоятининг қадимдан суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида эртаги мавсумда етиштирилган бош салатнинг ўсиб-ривожланишининг морфологик хусусиятлари ўрганилганлиги, қўлланилган нав, экиш муддати ва экиш схемасига боғлиқ равишда ривожланиш ҳамда ҳосилдорлик элементларини кўрсаткичлари математик статистик таҳлил қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қадимдан суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитидаги фермер хўжаликларида бош салатни эртаги екиш муддатлари 10-20 март ҳамда қушқатор $(50+20)/2 \times 15$ см экиш схемада ўстирилганда юқори сифатли ҳосил олишни таъминловчи агротехнологик тадбирлар тизимини ишлаб чиқилганлиги ва жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Эртаги мавсумда бош салатнинг нав ва F₁ дурагайларини танлаш ҳамда етиштириш технологиясининг элементларини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари асосида:

Эртаги мавсумда етиштириш учун бош салатнинг истиқболли Русский размер нави ва Madrid F₁ дурагайи Тошкент вилояти Тошкент тумани «Зоиржон таваррук» фермер хўжалигида 0,30 га, «Ғуломназир таваррук агро» фермер хўжалигида 0,30 га, Қибрай тумани «Улуғбек Қибрай боғлари» фермер хўжалигида 1,05 га, «Эркин тарақиёт агро» фермер хўжалигида 1,15 га, жами 2,8 га майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 28 апрелдаги 05/23-06-412-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида

гектаридан 24,9-32,0 тонна бош салат ҳосили етиштиришга эришилган ва иқтисодий самарадорлик гектаридан 56-92 млн. сўмни ташкил этган;

Эртаги мавсумда бош салат етиштиришда мақбул экиш муддатларини танлаш ишланмаси Самарқанд вилояти Оқдарётумани «Ҳамид ҳосил» фермер хўжалигида 0,60 га, «Д Қамбар ота» фермер хўжалигида 0,52 га, «Қушёғоч ғалласи» фермер хўжалигида 0,35 га, «Ойниса ҳосилдор боғи» фермер хўжалигида 0,40 га, «Янгиобод бургути» фермер хўжалигида 1 га, «Нурафшон Азиз саховати» фермер хўжалигида 0,38 га, «Нурмаматов Қурбон ота» фермер хўжалигида 0,50 га, «Оқдарё Одилжон даласи» фермер хўжалигида 0,65 га, Жомбой тумани «Анвар Бўтаев ерлари» фермер хўжалигида 0,60 га, «Улуғ барака ерлари» фермер хўжалигида 0,38 га, «Катта боғ замини» фермер хўжалигида 0,40 га, «Мардиев Дилшод Агро бизнес» фермер хўжалигида 0,35 га, «Буюк келажак агро кластер» фермер хўжалигида 0,50 га, жами 6,63 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 28 апрелдаги 05/23-06-412-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида гектаридан 29,9-29,7 тонна бош салат ҳосили етиштиришга эришилган, иқтисодий самарадорлик гектаридан ўртача 75–74 млн сўмни ташкил этган.

Эртаги мавсумда бош салат етиштиришда самарали экиш схемасини танлаш ишланмаси Андижон вилояти Андижон тумани «Ҳосилот Тўрабоевлар» фермер хўжалигида 0,45 га, Асака тумани «Сабзавотлар элитаси» фермер хўжалигида 0,35 га, Жалақудуқ тумани «Тохиржон умиджон даласи» фермер хўжалигида 0,55 га, Избоскан тумани «Қодиров Қўчқарбой нияти» фермер хўжалигида 0,45 га майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 28 апрелдаги 05/23-06-412-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида гектаридан 28,9-57,4 тонна бош салат ҳосили етиштиришга эришилган, иқтисодий самарадорлик гектаридан ўртача 73–121 млн сўмни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та республика ва 2 та халқаро илмий амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та, жумладан 1 та мақола хорижий ва 4 та республика миқёсидаги журналларда, 2 та маҳаллий ва 2 та хорижий конференцияларда мақолалар ҳамда 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертация мавзусининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига, илмий-тадқиқотлар режаларига

мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи ва мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, жорий этиш тўғрисидаги маълумотлар, тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги, диссертациянинг ҳажми ва таркиби баён этилган.

Диссертациянинг **“Бош салатнинг келиб чиқиши, тарқалиши, классификацияси, морфобиологик тавсифи, навлари, етиштириш технологияси”** деб номланган биринчи бобида бош салатнинг келиб чиқиши, тарқалиши, классификацияси тўғрисида адабиётлар шарҳи келтирилган. Ушбу бобда чет эллик олимларнинг маълумотларига асосланиб бош салат ўсимлигининг морфобиологик тавсифи, дунёнинг турли минтақаларида уни етиштириш технологияси, жумладан экиш муддатлари ва схемалари, очик ва ҳимояланган майдонларда етиштиришнинг ўзига хос хусусиятлари, кенг тарқалган навлари ва уларнинг тавсифи тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказиш шароити, объекти ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида диссертация мавзуси юзасидан дала тажрибалари ўтказилган жойнинг тупроқ–иқлим шароити, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ҳамда тажрибаларни ўтказиш услублари таърифланган. Ушбу бобда тадқиқотлар мавзуси юзасидан ҳар бир тажрибани ўтказиш усуллари, дала тажрибаларини олиб бориш тартиби, тажриба майдончасидаги ниҳолларнинг ўсиши ва ривожланишини ўрганишда қўлланилган фенологик кузатувлар ва биометрик ҳисоблар, тажриба маълумотларига математик ва статистик ишлов бериш тартиби баён этилган.

Диссертациянинг **“Бош салат навларини танлаш ва етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш”** деб номланган учинчи бобининг **“Бош салат нав намуналари тўпламини баҳорги муддатда ўрганиш”** бўлимида 9 та нав ва 4 дурагай намуналарини баҳорги муддатда (01.03) ўрганиш натижалари келтирилган. Бош салат ўсимлиги маҳсулдорлиги нав ва об-ҳаво шароитига қараб жуда ўзгарувчан бўлган (1-жадвал).

Тадқиқот йилларида баҳорги экиш муддатида энг юқори умумий ҳосилдорлик Русский размер (25,0 т/га), Патриций (24,8 т/га) навлари ва Робинзон F₁ (31,5 т/га), Madrid F₁ (32,0 т/га) дурагайларида кузатилди. Колобок, Алабама навларида ҳам ҳосилдорлик бироз юқори бўлиб 19,2-20,1 т/га ниташкил этди. Барг сони, битта ўсимлик маҳсулдорлиги, ҳосилдорлик нав ва йилга қараб ҳар хил бўлган. Ўсимликнинг ҳосил йиғишдан олдин барглар сони стандарт навида 13,2 дона барг бўлган бўлса, стандартга нисбатан юқори кўрсаткич Патриций, Русский размер (115,9–117,4%) навларида кузатилди. Ҳосилни йиғиштиришдан олдин ўсимликдаги барглар сони Barcelona F₁ стандарт дурагайда 15,9 донани ташкил этди. Стандарт дурагайга яқин кўрсаткич Salad Express F₁ (стандартга нисбатан 98,7%) дурагайда кузатилди. Робинзон F₁, Madrid F₁ дурагайларида эса стандартга нисбатан 15,7-17,0% кўп барглар ҳосил бўлган.

Бир тупдаги эркин барглар вазни стандарт Крупнокочанный навида 195,4 г ни ташкил этган, унга нисбатан юқори кўрсаткич Патриций (214,1 г), Русский

размер (214,8г) навларида кузатилган. Стандарт Крупнокочанный навига нисбатан пастроқ кўрсаткич Русский богатырь, Салат айсберг, Колобок, Айс квин, Алабама навларида (96,7–97,4%), энг паст кўрсаткич эса Грейт лайкс 659 навида (87,3%) кузатилган. Стандарт Barcelona F1 дурагайида бир тупдаги барглар вазни 220,6 г ни ташкил этди. Робинзон F₁, Мадрид F₁ дурагайларида барг вазни стандартга нисбатан 22,4-25,1 г га кўп бўлди.

1-жадвал

Бош салат нав намуналарининг баҳорги муддатдаги ҳосилдорлиги ва хўжалик муҳим белгиларининг намоён бўлиши (2020-2022 й.й.)

Нав намуналар номи	Барг				Ҳосилдорлик, т/га	Рентабеллиги, %
	соли, ўсимлик/дона	узунлиги, см	бир тупдаги вазни, г	назоратга нисбатан, %		
Крупнокочанный (st)	13,2	23,1	195,4	100,0	21,4	152,2
Грейт лайкс 659	11,1	18,1	170,5	87,3	9,7	25,6
Патриций	15,3	23,5	214,1	109,6	24,8	184,8
Русский богатырь	12,1	22,9	189,0	96,7	16,7	104,2
Салат айсберг	12,5	22,4	190,0	97,2	16,5	102,1
Колобок	12,8	22,8	190,0	97,2	19,2	130,2
Русский размер	15,5	23,4	214,8	109,9	25,0	186,7
Айс квин	13,0	21,7	189,0	96,7	13,4	68,3
Алабама	13,1	21,9	190,4	97,4	20,1	139,3
Barcelona F ₁ (st)	15,9	24,9	220,6	100,0	27,0	179,0
Salad Express F ₁	15,7	23,7	206,2	93,5	25,3	164,4
Робинзон F ₁	18,4	26,9	243,2	110,2	31,5	215,9
Madrid F ₁	18,6	27,9	245,7	111,1	32,0	219,8

Рентабеллик даражаси стандарт Крупнокочанный навида 152,2% ни ташкил қилиб, унга нисбатан юқори рентабеллик даражаси Русский размер (186,7%) ва Патриций (184,8%) навларида аниқланди.

Рентабеллик даражаси стандарт Barcelona F₁ дурагайида 179,0 % бўлиб, унга нисбатан юқори кўрсаткичлар Робинзон F₁ (215,9%) ва Madrid F₁ (219,8%) дурагайларида кузатилди.

Шундай қилиб, бош салат нав намуналарини ўрганиш асосида баҳорги муддатда ўсиб ривожланиши, хўжалик муҳим белгилари ва ҳосилдорлиги жиҳатидан истиқболли бўлган Русский размер, Патриций навлари ва Робинзон F₁, Madrid F₁ дурагайлари ажратилган.

Диссертациянинг “Бош салат ўсимлигининг баҳорги мақбул экиш муддатларини аниқлаш” деб номланган тўртинчи боби биринчи бўлимида 20/II; 01/III; 10/III, 20/III, 01/IV, 10/IV, 20/IV, 01/V муддатларда ўрганиш натижасида бош салат ўсимлигининг баҳорги мавсумда мақбул экиш

муддатлари аниқланганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Экиш муддатлари ривожланиш даврларининг давомийлигига сезиларли даражада таъсир этди. Шу билан бирга хўжалик муҳим белгилардан бири битта ўсимликдаги эркин барг вазни кўчатларни экиш муддатларига боғлиқ бўлган. Синалган бош салатнинг Крупнокочанный ва Русский размер навларида 20/II экиш муддатига нисбатан 01/IV, 10/IV, 20/IV ва 01/V экиш муддатларида бир тупдаги барглар вазни камайиб борганлиги аниқланган. Бошқача қилиб айтганда экиш муддатлари кечиккан сайин бир тупдаги барг вазни ҳам камайиб боради.

2-жадвал

Бош салат нав намуналарининг турли экиш муддатларида ҳосилдорлиги ва хўжалик муҳим белгиларининг намоён бўлиши (2020-2022 й.й.)

Экиш муддатлари	Бир тупдаги барглар вазни, г	Салат бош вазни, г	Умумий ҳосилдорлик, т/га	Товарбоп ҳосил	
				т/га	%
Крупнокочанный нави					
20/II	190,5	447,6	19,2	16,7	87,0
01/III (наз.)	192,8	489,3	21,3	18,3	85,8
10/III	214,9	586,5	25,6	22,8	89,1
20/III	212,8	581,7	25,3	20,9	82,7
01/IV	199,0	438,5	18,8	13,5	72,0
10/IV	189,8	370,6	15,7	10,0	63,6
20/IV	186,2	298,3	12,5	6,6	53,2
01/V	170,2	266,6	10,9	5,2	47,5
ЭКФ ₀₅	9,7	19,6	0,8	0,6	
Sx%	5,0	4,5	4,2	4,4	
Русский размер нави					
20/II	217,9	563,0	24,2	21,7	89,9
01/III (наз.)	218,8	589,3	25,7	22,6	87,9
10/III	231,1	689,6	30,0	27,6	91,9
20/III	228,9	684,6	29,7	25,4	85,6
01/IV	216,9	626,0	26,9	19,4	71,9
10/IV	211,8	547,3	23,2	14,8	63,8
20/IV	196,8	414,6	17,3	9,2	53,3
01/V	195,0	384,0	15,6	7,4	47,6
ЭКФ ₀₅	10,5	25,2	1,0	0,8	
Sx%	4,9	4,5	4,1	4,3	

Бош салат ўсимлигининг ҳосилдорлигига экиш муддатлари ўз таъсирини кўрсатди. Крупнокочанный навида 10/III ва 20/III экиш муддатларида салатбош вазни мувофиқ равишда 586,5 г ва 581,7 г ни ташкил этди ва бу назорат 01/III экиш муддатига нисбатан 19,9% ва 18,9 % га оғир бўлганлиги аниқланди.

Экиш муддатлари кечиккан сайин салат бош вазни ҳам камайиб борди. Салат бош вазни назорат вариантда 489,3 г ни ташкил этган ва унга нисбатан 01/IV, 10/IV, 20/IV ва 01/V экиш муддатларида салат боши вазни мувофиқ равишда –438,5; 370,6; 298,3 ва 266,6 г бўлганлиги аниқланди. Бу эса назорат

вариантга нисбатан 51,0; 118,8; 191,0; 222,7 г кам демакдир. (2-жадвал).

Русский размер навида назорат вариантда салатбош вазни 589,3 г ташкил этган бўлса, 10/III, 20/III ва 01/IV экиш муддатларида мувофиқ равишда 689,6; 684,6 ва 626,0 г ташкил этиб, назоратга нисбатан 17,0; 16,2 ва 6,2 % га оғир бўлганлиги аниқланди. Назоратга нисбатан салатбоши вазни 40 кун кеч экилганда (10/IV) – 42,0 г, 50 кун кеч экилганда (20/IV) – 174,7 г ҳамда 60 кун кеч экилганда (01/V) – 205,3 г кичик бўлганлиги аниқланган.

Экиш муддатлари кечиккан сари ҳосилдорлик ҳам камайиб борди. Бунинг асосий сабаби, ўсиб-ривожланиш даврининг қисқариши ҳисобига салат бошлари етилмай қолганлиги ва гуллаш фазасига кириб кетишидир.

Бош салатнинг Крупнокочанный ва Русский размер навларида товарбоп ҳосилдорлик назорат вариантда 18,3 ва 22,6 т/га ни ташкил этди.

Тажрибанинг 3 ва 4 вариантларида ушбу кўрсаткич Крупнокочанный навида 22,8; 20,9 т/га ни ва Русский размер навида 27,6; 25,4 т/га ни ташкил этди. Ушбу вариантларда товарбоп ҳосилнинг юқори бўлганлиги кузатилди. Энг юқори товарбоп ҳосилдорлик тажрибанинг 3 вариантыда, яъни 10 мартда экилганда олинди. Товарбоп ҳосилнинг умумий ҳосилдаги улуши ушбу вариантда Крупнокочанный навида 89,1% ни, Русский размер навида эса 91,9 % ни ташкил қилган. Тадқиқотларда энг катта салатбошлар, юқори умумий ва товарбоп ҳосилдорлик тажрибанинг 3 ва 4 вариантларида, яъни кўчатларни 10 ва 20 мартда экилганда кузатилди.

Диссертациянинг **“Бош салат ўсимлигининг мақбул озикланиш майдонини аниқлаш”** деб номланган тўртинчи бобда иккинчи бўлимида баҳорда 1 мартда бош салатни қуйидаги тўртта: 70×20; 70×30 (наз.), 70×40, (50+20)/2×15 см экиш схемаларда ўрганиш натижалари келтирилган.

Экиш схемалари баҳорда битта ўсимликдаги барг сони, баргнинг узунлиги ва эни каби кўрсаткичларга сезиларли даражада таъсир қилди. Ҳосилни йиғиштириб олиш даврида Крупнокочанный навида назорат вариантыда барглар сони 16,3 дона 70×20 см экиш схемасида эса барглар сони назоратга нисбатан 96,7 фоиз бўлди. 70×40 см экиш схемасида майдондаги ўсимликлар сони камайиши (35,7 минг туп) ҳисобига ўсимликдаги барглар сони 17,6 дона, (50+20)/2×15 см схемада ҳосилни йиғиш олди 14,5 дона барг ташкил этди. Ҳосилни йиғиштириб олишдан олдин Русский размер навида назорат вариантыда ва 70×30 см экиш схемасида 15,4 донадан барг бўлиб, унга нисбатан 70×40 см экиш схема кўчат сони камайиши ҳисобига барг сони 19,5 дона ташкил қилди. Назорат 70×30 см экиш схемасига нисбатан 70×20 ва (50+20)/2×15 см экиш схемаларида мос равишда 15,3 ва 14,8% бўлган. Барча экиш схемаларининг ўртача кўрсаткичи 16,4 дона ёки назорат 70×30 см экиш схемасига нисбатан 90,6 % кўрсаткич қайд этилган (3-жадвал).

Бош салат экиш схемаси ва кўчат қалинлигининг салат боши вазнига сезиларли даражада таъсири кузатилган. Крупнокочанный нави назорат вариантыда салат боши вазни 484,6 г бўлган. Кўчатлар 70×20 см схемада экилиб, салатбоши вазни 387,3 г эга бўлиб паст кўрсаткич бўлди. Қатор ораси 70 см қатордаги ўсимликлар ораси 40 см қилиб, гектарига 35,7 минг ўсимлик жойлаштирилганда салат бошлари вазни 696,0 г ташкил этди, назоратга

нисбатан оғир бўлган. Русский размер навида гектардаги ўсимликлар сони кўпайган сари салатбош вазни ҳам пасайди ва ушбу кўрсаткич 70×20 см (50+20)/2×15см экиш схемаларида 452,6–353,6 г салат боши вазни эга бўлган ва назоратга нисбатан (577,6 г) камлиги аниқланди. Назоратга нисбатан 70×40 см схемада экилган вариантда салатбош вазни 692,0 г бўлган.

3-жадвал

Турли экиш схемаларининг бош салат вазни ва хўжалик муҳим белгиларига таъсири (2020-2022 й.й.)

Экиш схемалари, см	Бир ўсимликда:			Бир тупдаги барглар вазни, г
	барг сони, ўсимлик/дона	салат боши баладдлиги, см	салатбош вазни, г	
Крупнокачанный (st)				
70×20	14,6	12,2	387,3	154,4
70×30 (наз.)	16,3	12,9	484,6	199,4
70×40	17,6	13,5	696,0	225,8
(50+20)/2×15	14,5	11,7	321,6	152,3
ЭКФ ₀₅	2,5	1,6	63,1	24,2
Sx%	2,5	2,0	2,1	2,1
Русский размер				
70×20	15,3	12,6	452,6	180,3
70×30 (наз.)	15,4	13,3	577,6	219,7
70×40	19,5	13,9	692,0	235,3
(50+20)/2×15	14,8	12,1	353,6	175,9
ЭКФ ₀₅	2,6	2,3	51,2	38,3
Sx%	2,5	2,8	1,5	3,0


Экиш схемаси ва кўчат қалинлиги барглар вазнига маълум даражада таъсир кўрсатган. Крупнокачанный навида назорат вариантыда (47,6 минг кўчат) барглар вазни 199,4 г бўлди ва кўчат сони (70×20 см) гектарига 71,4 минг ўсимлик бўлганда тупдаги барг вазни 154,4 г. ни ёки назоратга нисбатан 77,4 фоизни ташкил қилган. Экиш схемаси 70×40 см бўлганда барглар вазни 225,2 г ни ташкил этди ёки назоратга нисбатан 123,0%; (50+20)/2×15 см схемада эса (190,4 кўчат минг) барг вазни 152,3 г бўлган. Барча экиш схемаларининг ўртача кўрсаткичи 177,3 г ёки назоратга нисбатан 88,9 % оралиғида бўлган.

Русский размер навида назорат 70×30 см экиш схемасида барглар вазни 219,7 г бўлиб, унга нисбатан 70×20 см экиш схемасида 82,6 фоиз бўлган. Кўчат сони камайган (70×40 см) вариантда барг вазни назоратга нисбатан юқори 235,3 г бўлган. Эгатлар ораси 70 см бўлиб, қатордаги ўсимликлар ораси 20 см бўлганда барглар вазни 180,3 г назоратга нисбатан 83,3 фоизга; (50+20)/2×15 см схемада 175,9 г бўлганда 80,7 фоизни ташкил этган. Барча экиш схемаларининг ўртача кўрсаткичи назоратга нисбатан барглар вазни 10,7 фоизга кам бўлган. Бир гектардан олинадиган ҳосилдорлик ҳам экиш схемасига, кўчат сонига ва салат боши вазнига боғлиқ бўлди.

Крупнокачанный навини 2020 йилдаги ҳосилдорлигинаназорат вариантыда гектаридан 21,4 тонна бўлган. Ҳосилдорлик 70×20 ва (50+20)/2×15см экиш

схемаларида кўчат сони 71,4–190,4 минг дона бўлганда назоратга нисбатан 19,8–53,2 т/га ёки 15,0–40 фоизга юқори бўлган. 70×40 см схемада гектарига 35,7 минг дона кўчатбўлганлиги учун ҳосилдорлик назоратга нисбатан 7,5 фоизга паст бўлганлиги маълум бўлган (1-расм). Русский размер навида энг паст (23,1 т/га) ҳосилдорлик 70×40 см схемада гектарига 35,7 минг туп кўчат экилганда кузатилди. Кўчат сони 71,4–190,4 минг тупгача кўпайтирилганда 70×20 ва (50+20)/2×15 см экиш схемаларида ҳосилдорлик назоратга нисбатан 16,7–23,1 фоизга ошган.

2021 йилда ҳосилдорлик Крупнокочанный нави назорат 70×30 см экиш схемасида 20,7 т/га бўлган ва назоратга нисбатан 70×20 ва (50+20)/2×15 см схемаларда ҳосилдорлик 24,2–51,4 т/га бўлган ва 70×40 см схемада 19,6 т/га кўрсаткич эга бўлган. Русский размер нави назорат вариантыдаги ҳосилдорлик гектаридан 24,4 тонна ва унга нисбатан 70×40 см экиш схемасида – 22,2 т/га, 70×20 см да –28,4 т/га ҳамда қўшқаторли (50+20)/2×15 см экиш схемасида –56,3 т/га бўлганлиги аниқланган.



1-расм. Экиш схемасининг бош салатни ҳосилдорлигига таъсири, т/га (2020-2022 йй.)

2022 йил ҳосилдорлик кўрсаткичи Крупнокочанный навида назорат 70×30 см экиш схемасида – 21,1 т/га бўлган бўлса, унга нисбатан 70×40 см экиш схемасида 19,7 т/га ташкил этди ёки 6,7 фоизга кам, 70×40 ва (50+20)/2×15 см экиш схемаларида эса 24,8–52,7 тоннага эга бўлиб юқори ҳосилдорликни намоён қилган. Бунда, (50+20)/2×15 см экиш схемасида кўчат сони кўп кетиш сабабли назорат 70×30 см экиш схемасига нисбатан ҳосилдорлик юқори бўлди. 70×40 см экиш схемасида ҳосилдорлик 19,7 т/га бўлиб, назоратга нисбатан 93,3% ташкил этган.

Русский размер навида ҳам гектардаги кўчатлар сони экиш схемаси бўйича кўпайгани сари ҳосилдорлик миқдори бирмунча кўтарилгани кузатилди. Бунда, ҳосилдорлик 70×20 см экиш схемасида гектаридан – 29,1 т назорат 70×30 см экиш схемасида –25,4 т, (50+20)/2×15 см экиш схемасида – 57,9 тонна бўлганлиги аниқланган. 70×40 см экиш схемасида 22,8 тонна билан кўчат сарфи гектаридан кам бўлганлиги сабабли назорат 70×30 см экиш схемасига нисбатан

8,7 фоизга паст кўрсаткични намоён қилган.

Кўп йиллик ҳосилдорлик ўртача Крупнокачанный навида назорат вариантыда гектарига 21,0 тонна бўлган ва унга нисбатан учинчи вариант ҳосилдорлиги 6,2 фоизга кам бўлган. Назоратга нисбатан 1-ва 4-вариантларда 24,6–52,4 тонна билан юқори бўлган. Экиш схемалари бўйича ўртача ҳосилдорлик кўрсаткичи 32,2 т/га назорат варинатига нисбатан 153,3 фоизни ташкил қилган. Русский размер навида ҳосилдорлик назорат вариантыда гектарига 24,9 тоннани ташкил қилган, унга нисбатан 70×20 см, (50+20)/2×15см экиш схемаларида ва вариантларнинг кўрсаткилари 28,9–57,4тоннага эга эканлиги аниқланган. Демак, ҳосилдорлик бўйича Крупнокачанный ва Русский размер навлари учун 70×20 ва (50+20)/2×15 см экиш схемаси мақбул эканлиги аниқланган.

ХУЛОСАЛАР

1. Бош салат нав намуналарини ўсув даври давомийлигига кўра, эртапишар – Грейт лайкс 659 (50 кун), Айс квин (51 кун); ўртапишар – Крупнокачанный (st) (65 кун), Патриций, Русский размер, Алабама (72 кун) ва Русский богатырь (73 кун) навлари ҳамда Barcelona F₁ (st) (68 кун), Робинзон F₁ (68 кун), Madrid F₁ (68 кун) дурагайлари, кечпишар – Салат айсберг (82 кун) навива Salad Express F₁ (89 кун) дурагайи эканлиги аниқланди. Шунингдек, энг қисқа ўсув даври (58-62 кун) ва кам фойдали ҳарорат йиғиндиси (1065,2-905,2°С) 10-20/III экиш муддатида, аксинча, энг узун ўсув даврини (69-72 кун) 20/II-01/III экиш муддати ҳамда юқори фойдали ҳарорат йиғиндиси (1745,6-2026,1°С) 10/IV-01/V экиш муддатларида аниқланди.

2. Бош салатнинг стандарт Крупнокачанный нави ва Barcelona F₁ дурагайига нисбатан ўсув даврида энг кўп барглари Madrid F₁ (18,6 дона), Робинзон F₁ (18,4 дона), Salad Express F₁ (15,7 дона) дурагайларда ҳамда Русский размер (15,5 дона), Патриций (15,3 дона) навларда, шунингдек, 10/III экиш муддати (14,2-16,9 дона) ва 70×40 см экиш схемасида (17,6-19,5 дона) шаклланганлиги аниқланди.

3. Энг йирик барг ўлчами (узунлиги×эни) назорат Крупнокачанный нави ва Barcelona F₁ дурагайига нисбатан Madrid F₁ (27,9×27,3 см), Робинзон F₁ (26,9×25,8 см), Salad Express F₁ (23,7×23,2 см) дурагайлари ҳамда Патриций (23,5 см), Русский размер (23,4×22,7 см) навлари, шунингдек, 10/III экиш муддати (24,8×23,9 ва 25,5×24,8 см) ҳамда 70×40 см экиш схемасида (23,4×22,7 ва 24,9×24,3 см) намоён бўлиши аниқланди.

4. Бош салатнинг Крупнокачанный ва Русский размер навларида йирик салат боши (баландлиги×эни) (13,6×16,8 ва 14,5×16,5 см), барг (214,9 ва 231,1 г) ва илдиз вазни (21,8 ва 24,7 г) 10/III экиш муддатида, шунингдек, 70×40 см экиш схемасида йирик боши (13,5×16,3 ва 13,9×16,8 см), барг (225,8 ва 235,3 г) ва илдиз вазни (21,6 ва 23,9 г) аниқланди.

5. Бош салатнинг назорат Крупнокачанный нави ва Barcelona F₁ дурагайига нисбатан энг оғир барг ва илдиз вазни Madrid F₁ (245,7 ва 25,9 г), Робинзон F₁ (243,2 ва 25,7 г), Salad Express F₁ (206,2 ва 21,4 г)

дурагайлари ҳамда Русский размер (214,8 ва 22,6 г), Патриций (214,1 ва 22,4 г) навларида намоён бўлди.

6. Бош салатнинг назорат Крупнокочанный нави ва Barcelona F₁ дурагайига нисбатан Salad Express F₁ (15,1 см), Madrid F₁ (14,8 см), Робинзон F₁ (14,4 см) дурагайларида ҳамда Русский размер (13,3 см), Патриций (13,1 см) навларида энг баланд салатбошлар, шунингдек, Salad Express F₁ (18,5 см), Madrid F₁ (15,9 см) ва Робинзон F₁ (15,7 см) дурагайларида эни кенг салатбошилар шаклланганлиги маълум бўлди.

7. Крупнокочанный (st), Грейт лайкс 659, Русский богатырь, Салат айсберг, Айс квин навлари ва Barcelona F₁ (st) дурагайини бош салат шакли ясси-юмалоқ ҳамда Патриций, Колобок, Русский размер, Алабама навлари ва Salad Express F₁, Робинзон F₁, Madrid F₁ дурагайлари – юмалоқ эканлиги аниқланди.

8. Энг оғир салатбоши вазни назорат Крупнокочанный нави ва Barcelona F₁ дурагайига нисбатан Madrid F₁ (732,3 г), Робинзон F₁ (729,3 г), Salad Express F₁ (583,3 г) дурагайларида ҳамда Русский размер (574,6 г), Патриций (570,0 г) навларида ҳамда 10-20/III экиш муддати (586,5-581,7 ва 689,6-684,6 г) ва 70×40 см экиш схемасида (696,0 ва 692,0 г) аниқланган бўлса, аксинча, энгил салат боши вазни Айс квин (310,3 г) ва Грейт лайкс 659 (221,6 г) навларида ҳамда 20/IV-01/V экиш муддатида (298,3-266,6 г) ҳамда (50+20)/2×15 см экиш схемаси (321,6 ва 353,6 г) шаклланганлиги исботланди.

9. Майдон бирлигидан юқори ҳосилдорлик стандарт Крупнокочанный нави ва Barcelona F₁ дурагайига нисбатан Madrid F₁ (32,0 т/га), Робинзон F₁ (31,5 т/га), Salad Express F₁ (25,3 т/га) дурагайларида ҳамда Русский размер (25,0 т/га), Патриций (24,8 т/га) навларида ҳамда 10-20/III экиш муддатида (25,6-25,3 ва 30,0-29,7 т/га) ҳамда (50+20)/2×15 ва 70×20 см экиш схемаларида (52,4 ва 24,6 т/га; 57,4 ва 28,9 т/га) бўлган бўлса, аксинча, кам ҳосилдорлик Айс квин (13,4 т/га) ва Грейт лайкс 659 (9,7 т/га) навларида ҳамда 20/IV-01/V экиш муддатлар (12,5-10,9 т/га) ҳамда 70×40 см экиш схемасида (19,7 ва 22,8 т/га) аниқланиб, эртаги экиш муддаларида юқори товарбоп салатбоши ҳосилдорлиги 10/III экиш муддатида (22,8-27,6 т/га) умумий ҳосилдорликдаги улуши 89,1-91,9 % ни ташкил қилди.

10. Бош салатнинг назорат Крупнокочанный нави ва Barcelona F₁ дурагайига нисбатан юқори қуруқ модда – Русский размер, Русский богатырь навларида ҳамда Madrid F₁ ва Робинзон F₁ дурагайларида (5,8-5,9 %), қанд (1,3 %) ва аскорбин кислота (19,1 мг%) – Madrid F₁ дурагайида, шунингдек, энг кам нитрат микдори – Алабама, Колобок, Айс квин расс, Русский богатырь ва Салат айсберг навларида (1097-1005 мг/кг) аниқланган бўлса, Крупнокочанный ва Русский размер навлари салат боши таркибида юқори қуруқ модда (5,9 ва 6,0 %), қанд (1,4 ва 1,6 %) ва аскорбин кислота (18,8 ва 19,2 мг%) 10/III экиш муддатида, аксинча, энг кам нитрат микдори 20/IV (1012 мг/кг) ва 01/V (1059 мг/кг) экиш муддатларида аниқланди.

11. Энг юқори соф даромад ҳамда рентабеллик Русский размер ва Патриций навлари (56,9-56,3 млн. сўм) ва Madrid F₁ ва Робинзон F₁ дурагайларида (76,9-75,3 млн. сўм), шунингдек, 10-20/III экиш муддати ҳамда

(50+20)/2×15 ва 70×20 см экиш схемасида (навлар бўйича мутаносиб равишда: 14,1-13,1 ва 13,1-12,2; 85,8-86,9 ва 89,4-9,9 млн. сўм; 192,3-189,5% ва 221,9-220,0%; 245,6-161,6% ва 270,6-198,4%) аниқланди.

12. Бош салат нав намуналари ва етиштириш технологияси асосида баҳорги экинда юқори самарадорликка эришишда ишлаб чиқаришга:

майдон бирлигидан юқори ҳосил олишда Русский размер, Патриций навлари ва Madrid F₁, Робинзон F₁ дурагайлардан фойдаланиш;

35 кунлик кўчатларни март ойининг 2-декадасида (50+20)/2×15 см ёки 70×20 см экиш схемасида экишни;

энг эрта ва юқори ҳосил олишда эртапишар Грейт лайкс 659 ва Айс квин навларини (50+20)/2×15 см экиш схемасида гектарига 190476 дона ўсимлик қалинлигида жойлаштириш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.05/30.09.2022.Qx.152.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ ОВОЩЕ-БАХЧЕВЫХ КУЛЬТУР И КАРТОФЕЛЯ**

**НАУЧНО ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
ОВОЩЕ-БАХЧЕВЫХ КУЛЬТУР И КАРТОФЕЛЯ**

ШЕРАЛИЕВ ДЖАМШИД ШУХРАТ УГЛИ

**ПОБДОР СОРТОВ И F1 ГИБРИДОВ КОЧАННОГО САЛАТА (*LACTUCA
SATIVA VAR. CAPITATA L.*) И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ЭЛЕМЕНТОВ
ТЕХНОЛОГИИ ВОЗДЕЛЫВАНИЯ**

06.01.06 – Овощеводство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент – 2024

Тема диссертации доктора философии (PhD) сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии за номером В2022.4.PhD/Qx1020

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте овоще-бахчевых культур и картофеля.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, и английском резюме) размещен на веб-странице Научного совета (www.sabzavotiim.uz) и Информационно-ресурсном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Расулов Фахриддин Фахмудинович, доктор философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам, старший научный сотрудник
Официальные оппоненты:	Шокиров Алишер Журабоевич, доктор сельскохозяйственных наук, доцент Бустанов Зокир Тожибоевич, кандидат сельскохозяйственных наук, профессор
Ведущая организация:	Самаркандский институт агроинноваций и исследований

Защита диссертации состоится “__” _____ 2024 года в ___ часов на заседании Научного совета PhD.05/30.09.2022.Qx.152.01 при НИИ овоще-бахчевых культур и картофеля (Адрес: 111106, Ташкентская область, Ташкентский район, а/б Куксарой НИИОБКиК. Тел.: (+99871)226-85-03; факс: (+99871) 226-85-03; e-mail: savzavot_info@umail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре НИИ овоще-бахчевых культур и картофеля (зарегистрирована за номером №2-2024). (Адрес: 111106, Ташкентская область, Ташкентский район, а/б Куксарой НИИОБКиК. Тел.: (+99871)226-85-03).

Автореферат диссертации разослан “__” _____ 2024 года
(Реестровая выписка №__ от “__” _____ 2024 года).

Низомов Р.А.

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней,
д.с.х.н., профессор

Иброхимов Б.А.

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней,
д.ф.с.х.н., старший научный сотрудник

Шокиров А.Ж.

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.с.х.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Основной задачей овощеводства является систематически и в достаточном количестве обеспечивать население в любое время года овощами, в том числе зелеными культурами. Среди зеленых овощей большое значение для человечества имеет кочанный салат. По данным ФАО в 2022 году в больших масштабах, в мире на 1,8 тысяч гектарах земельной площади произведено 42,1 млн. тонн продукции кочанного салата, из них в Китае (15,0 млн.т), США (3,3 млн.т), Бельгии (0,6 млн.т), Индии (1,2 млн.т), Испании (0,9 млн.т) и в Италии (0,64 млн.т)¹.

В Китае, Японии, России и в Европе, являющихся лидерами в области нетрадиционного овощеводства по расширению ассортимента овощных культур в мире, проводятся исследования технологий выращивания, хранения и переработки кочанного салата в течение всего года. В Италии, Нидерландах, Бельгии, Испании салат является одним из основных овощных культур. В ежедневном потреблении населением Венгрии, Польши и Кубы его доля значительно выше и в этих государствах его выращивают в основном на закрытых территориях. В Германии на культуру салата приходится в среднем 3,3-3,5% от всех потребляемых овощей по стране.

В Англии ежегодно выращиваемый кочанный салат по стране составляет в среднем 14,0 кг на душу населения. Хотя в выращивании салата в этих странах достигнуты определённые достижения в обеспечении населения достаточным количеством продукции, несмотря на это продолжаются работы по исследованию и созданию новых сортов и гибридов, а также разработки по внедрению интенсивных технологий.

В Узбекистане также для увеличения доходов агрокластеров, фермерских, дехканских и личных подсобных хозяйств и повышения объемов производства перерабатывающих предприятий применяются научные достижения в области овощеводства, особенно при создании новых сортов с высокими хозяйственно-ценными признаками и усовершенствовании агротехнологии. И в тоже время, в Указе Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года ПФ-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»² особое внимание уделяется на то, что «Через интенсивное развитие сельского хозяйства на научном уровне, доходы фермеров и дехкан должны быть увеличены как минимум в 2 раза, ежегодный рост сельского хозяйства достичь не менее 5%, и особое внимание уделить увеличению объема продовольственных товаров до 7,4 млн тонн к 2026 году, а уровень переработки фруктов и овощей до 28%». В связи с этим актуальным научным направлением является увеличение агробιοразнообразия нетрадиционных овощных культур в Узбекистане, изучение их морфо-биологических и хозяйственно-ценных признаков, локализацией перспективных сортообразцов усовершенствования технологии их возделывания.

А также Указ Президента Республики Узбекистан ПФ-5388 от 29 марта

¹ Статистическая база данных FAOSTAT. ФАО, Рим, Италия. <http://www.fao.org>.

² <https://lex.uz/uz/pdfs/5841077>

2018 года «О дополнительных мерах по опережающему развитию плодоовощного производства в Республике Узбекистан»³; Закон ПП-4549 от 11 декабря 2019 года «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию сети плодоовощеводства и виноградарства, созданию цепочки добавленной стоимости в отрасли»⁴, а также задачам, указанным в иных нормативно-правовых документах, принятых по этому сектору, в реализации которых в определенной степени служат данное диссертационное исследование.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики по V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды»

Степень изученности проблемы. Кочанный салат изучен в Европе, России, США, в сравнении с другими странами и континентами. В частности, Р.Салли, М.Магнуссон, С.Г.Монахос, Жан Борковски – в создании сортов салата, С.Г.Кую, Yu Quang-Hiu, Xie Jian-Zhi в Китае, Корею и Японии, и Е.Н.Сагалович, В.Ф.Пивоваров, П.Ф.Кононков, В.П.Никульшина, А.Т.Лебедева, З.В.Сыч, А.В.Солдатенко, Н.А.Колпаков и Л.Л.Бондарева в России провели исследования по технологии отбора и выращивания сортообразцов салата.

В Узбекистане З.Т.Бустановым (1993-1996 гг.) проведены исследования по изучению коллекции сортов листового салата по морфобиологическим и ценным хозяйственным признакам и по выделению перспективных сортообразцов, а также в итоге создан и внесен в Государственный реестр сорт салата Кукшох (2002 год). Ф.Т.Турдиевой (2020-2022 гг.) в условиях Андижанской области были проведены научные исследования по изучению морфобиологических и ценных хозяйственных признаков сортообразцов листового салата, выделение перспективных сортообразцов, определение оптимальных сроков и схемы посева в раннем весеннем сроке возделывания на территории региона, влияние элементов технологии на рост, развитие и продуктивность растений салата. Однако, к настоящему времени в республике исследования по кочанному салату не проводились и поэтому в рамках расширения ассортимента овощных культур в данной работе проводятся исследования по подбору продуктивных сортов и гибридов кочанного салата и определению оптимальных сроков и схем посадки.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего или научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках прикладного проекта ФЗ-2020072710 «Интродукция, селекция и первичное семеноводство нетрадиционных и экспортных овощных культур» (2020-2023 гг) в Научно-исследовательском институте овоще-бахчевых культур и картофеля.

³<https://lex.uz/uz/pdfs/3604601>

⁴<https://lex.uz/uz/docs/4641164>

Целью исследования являются подбор сортов и гибридов кочанного салата с высокой урожайностью, пригодных для выращивания при раннем сроках в открытом грунте и разработка некоторых элементов технологии возделывания.

Задачи исследования заключаются в следующем:

